

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди ходимлари болажонлар қалбига сурур бағишлашди



14:30 / 02.06.2022 2056

Кеча, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом ноиби, Қуръон ходими, устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид бошчилигида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, етим, бемор болалар ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам ҳадялари улашилди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги марказий қон қуйиш институтига ташриф буюриб, у ерда даволанаётган болажонлар кўнгиллари шод қилиниб, ҳомийлар кўмагида моддий томондан ёрдам берилди. Ташриф жараёнида бу ерда битта бўлимнинг ўзида 160 га яқин бемор болажонлар даволанаётгани маълум бўлди. Шунингдек, аксар беморларнинг ҳоли ночор ҳолатда эканлиги,

уларнинг оналари эса маҳзун бўлишлари кўнгилларни ғамга ботиради. Бироқ бемор болаларнинг табассумлари инсонлар қалбида, айниқса ота-оналарнинг ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишни уйғотадилар. Ушбу ҳиссиётлар ташриф чоғида ўз аксини топди. Чунки бемор болаларнинг ҳолидан хабар олингач, уларнинг кўзлари қувончларга тўлди. Ушбу хурсандчиликлар оналар қалбига ҳам илиқлик олиб кирди. Ташриф якунида барча бемор болалар ҳақида дуолар қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳар А.П. Хлебушкина номидаги 22-сонли меҳрибонлик уйига ташриф буюрилди. Меҳрибонлик уйидаги учрашув жараёнида имом ноиб, устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид болажонлар кўнглини хушнуд этиб, етимпарвар бўлган зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг болаларга гўзал муомалада бўлганлари, уларни иззат-ҳурмат қилганлари ҳақида мавъизалар қилиб бердилар. Уларга «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди номидан телевизор совға қилинди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўз ҳузурларида Акраъ ибн Ҳобис Тамийий ўтирганида Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Шунда у:

«Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ўпганим йўқ», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам унга қараб турдилар ва:

«Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўта болажон зот эдилар. У киши болалар ичида набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнларни жуда яхши кўрар ва уларга меҳрибонлик кўрсатар эдилар. Ушбу ривоятда у зот соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг имом Ҳасан розияллоҳу анҳуга кўрсатган меҳрлари, саҳобалардан бирларининг бунга бўлган муносабатлари ва бу муносабатнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам томонларидан баҳоланиши ҳақида сўз юритилмоқда.

Аллоҳ таоло юртимиздаги барча болажонларни жамият равнақида ҳисса қўшадиган, ҳақ динга хизмат қиладиган, илмига амал қилиб, ота-онасига меҳрибон, улуғ зотлардан бўлиб, соғ-саломат вояга етишини Ўзи насиб этсин!